

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ФЕЪЛ ФРЕЙМЛАРИ ХУСУСИДА

Мирсанов F.¹

Аннотация:

Маълумки когнитив лингвистикада текстнинг тўлалигича образи ва шунингдек тил компонентининг образини фарқлаш қабул қилинган. М. Минскийнинг таърифича визуаль образ (metaph image) тушуниш жараёни натижасида хотирада сақлаш ҳисобланади. Бу каби тушуниш образ ва метафорани қарама қарши орқали фарқлаш ҳисобланади.

Калит сўзлар: когнитив лингвистика, чекланган дуративлик, ингрессив (инхоатив) маъно, экспериенцер.

doi: <https://doi.org/10.2024/82gmno83>

Маълумки когнитив лингвистикада текстнинг тўлалигича образи ва шунингдек тил компонентининг образини фарқлаш қабул қилинган. М. Минскийнинг таърифича визуаль образ (metaph image) тушуниш жараёни натижасида хотирада сақлаш ҳисобланади [Минский М. 1979; 58]. Бу каби тушуниш образ ва метафорани қарама қарши орқали фарқлаш ҳисобланади. Образ ёрдамида ҳосил бўладиган концепт нуқтаи назаридан қаралганда, метафора текстнинг турли позицияларидаги ўзига хос сигнал бўлиб хизмат қилади [Минский М., 1979; 92].

Тилдаги ҳаракатнинг концептуал турлари ва уларнинг макон муносабати тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бунда, когнитив лингвистикадаги барча асосий программалар мос келади. Жумладан, Ж. Лакофф [Lakoff G., 1999; 35.] ўзининг образ схемаси (image-schema) да тил воситаларининг турлари келтиради. Л. Талми [Talmy L. 2000; 37] эса, образ шакллари ясайдиган конфигурацион структурасини ишлаб чиққан. Бунга кўра грамматик тушунчавий категориялардан миқдор, давомийлик, чегараланганлик, маконнинг тақсимланиши ва бошқа шу каби турлар тўғрисида гап юритилади.

Феълнинг кўп маънолилигига мурожат, фақатгина уларнинг турли маънолар ясай олишида эмас балки, когнитив жараёнларда процессуал-ҳодисавийликнинг категоризацияси ва концептуализациясида феъл муҳим ўрин тутди. Феъл лексикасида динамик аспект мавжуд бўлиб, у гапда кесим вазифасида предмет, объектни боғлаб келиши орқали пропозиция ядросини ҳосил қилади. Пропозиция билимнинг намоиш этувчи воситаси ҳисобланади.

1. Таъкидланишича келтирилган таснифдаги статив ва динамик гуруҳларида маконнинг ҳамда субъект ҳаракатининг бошланиши ёки якуний нуқталари мавжуд. Транзатив ва аппроксиматив гуруҳига тегишли предлоглар мақсадли ҳаракатни, йўналиш чизигини кўрсатади ва уларда бошланганлик, тугалланганлик нуқталари мавжуд бўлмайди [Levin B. Aspect Lexicfl Semantic Rehresentation and Argumant Expression //www. Standfort. Edu/-bclewin/bls oo.].

¹ *Мирсанов F., Филология фанлари доктори*

Ҳаракатларнинг фреймли тасавури ўз ичига объект, субъект компонентлари ўртасидаги муносабат ва субъектнинг ҳаракатга бўлган муносабати натижасида юзага келадиган тугалланганлик / тугалланмаганлик, резултативлик / резултатив бўлмаганлик, давомийлик / давомий бўлмаганлик, ҳаракат ва ҳолат, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ва шу каби маъноларнинг бошқа ҳаракатлар билан боғлиқлигини ўз ичига олади. Келтирилган параметрлар турли бирикмаларда ҳосил бўлса, баъзи фрейм турлари ўзига хос турлари ва кичик гуруҳларига ҳам эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўриладиган фреймлар бир неча бирликларни ўз ичига олиши мумкин. Фикр асосан предикат асосида қурилади ва унинг муҳим компоненти деб акционаллик (фёъл семантикасидаги чегараланганлик / чегараланмаганлик), фёълнинг ҳаракат ва ҳолат семантикасини қарама-қарши қўйиш, потенциаллик (фёълнинг лексик-семантик, грамматик имконияти) кабилар ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фрейм таҳлили пропозиционаллик билан ҳам боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Чунки пропозиция ўзига хос структурани ташкил қилади ва унинг асосида предикат ва унинг актантини боғлайдиган кўплаб тушунчалар, иборалар, фикрлар ётади.

Турли тиллар тизимида перфективликнинг ифодаланиш усуллари билан боғлиқ ҳолларни инглиз тилшуноси Comrie қуйидагича таснифлайди:

1. Қисқа дуративлик. Перфектив имперфективга нисбатан қисқа вақт оралиғидаги давомийлик билан характерланади.

2. Чекланган дуративлик: Мазкур ҳолда перфектив чегараланганлик "bounded" (telic, having a natural end) чегараланмаган "unbounded"(atelic) имперфективга қарама-қарши қўйилади; shut the door- started to laugh.

3. Ингрессив (инхоатив) маъно: Перфективлик ҳаракат ёки ҳолатнинг бошланиш нуқтасини кўрсатса, имперфективлик унинг прогрессивлигини англатади. Мазкур маъно одатда имперфективлик ҳолатида begin ва start фёъллари билан қўлланилади.

4. Резултативлик: перфективлик ҳаракатнинг натижаси билан боғлиқ ҳисобланади; shut the door.

Баҳолаш ва муносабатга когнитив ёндашиш унинг ментал жараён сифатида “предметларни таққослашга, хусусиятларини қиёслашга асосланган инсон онги фаолияти ҳисобланиб, унда субъектнинг ҳаёт фаолиятидаги ўрнини ва натижаларини, позитив, негатив ва нейтрал муносабат шаклида қўлланиладиган онгдаги ва тилдаги ўрнини белгилаш”, [Григорьева В.С., 2007; 6], шунингдек, инсоннинг когнитив фаолиятидаги идрок этишнинг специфик турларини аниқлашга эътибор қаратилади [Болдырев Н.Н., 2001; 7].

Шундай қилиб предикациядаги вазиятларнинг когнитив нуқтаи назардан ёндашув тил компонентлари ва сўзларнинг тил концептлари, ҳамда ушбу вазиятларда кузатувчи семантикасини, ўрнини очиб беришда муҳим ўрин тутиши мумкин. Кесим билан ифодаланадиган вазиятларнинг аспект маъноларини когнитив жиҳатдан таҳлил қилишдан олдин фёълларни лексик-семантик гуруҳлаш муҳим ўрин тутди. Лексик-семантик гуруҳлаш орқали фёъл предикацияси орқали юзага келадиган концептларнинг турларини аниқлаш ва мазкур концептларнинг ҳосил бўлишида фёълларнинг лексик-семантик маъноларини ўрнини белгилаш учун хизмат қилади. Шундай қилиб фёълларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1) интеллектуал фаолиятни билдирадиган фёъллар, масалан: believe, forget, remember, think, wonder ва бошқалар.; 2) нутқ фаолиятини билдирадиган фёъллар, масалан: ask, oentiii, reply, report, say, speak ва бошқалар; 3) ҳис-туйғуни билдирадиган фёъллар, масалан: feel, hear, inspect, look, point, see ва бошқалар.; 8) жисмоний

фаолиятни англатадиган феъллар, масалан: bear, chew, eat, feed, swallow ва бошқалар; 9) яратувчиликни билдирадиган феъллар, масалан: build, construct, do, grow, make, write ва бошқалар; 10) Эмоционал ҳолатни англатувчи феъллар. Масалан: disgust, fear, marvel, please, satisfy ва бошқалар; 11) воқеавийликни англатадиган феъллар, масалан: arrange, happen, pass, raise ва бошқалар; 12) жойлашув ва ҳолатни билдирадиган феъллар, масалан: face, hover, line, rest, stay на пример: feel, hear, inspect, look, point, see ва бошқалар; 13) юриш ҳаракатини билдирадиган феъллар, масалан: approach, arrange, bring, park, put, raise, reach, stir, turn ва бошқалар; 14) объектга жисмоний таъсир этишни англатадиган феъллар, масалан: attack, beat, grip, hug, kill, tear ва бошқалар; 15) каузатив ва функционал ситуатив маъносини берадиган феъллар, масалан: close, loosen, stick, unscrew ва бошқалар; 16) ижтимоий фаолиятни англатадиган феъллар, масалан: achieve, fight, work ва бошқалар; 17) ўзаро муносабат ва ўзаро алоқани, мажбурий ҳаракатни билдирадиган феъллар, масалан: allow, attract, interest, make, need, tempt ва бошқалар.

Келтирилган таҳлил дивалент структура доирасида қуйидаги акционал фреймларни аниқлаш имконини берди:

1. {(экспрессив) (интеллектуал фаолликни билдирадиган феъл) (контентив)} Paul remembered that he was responsible for rewrites as well (Barnes);
2. {(экспрессив) (нутқ фаолиятини англатувчи феъл) (контентив)} She mentioned Harry Rawlins (Plante);
3. {(экспрессив) (нутқ фаолиятини билдирувчи феъл) (реципиент)} She thanked them (Holt);
4. {(перцептив) (ҳис-туйғуни билдирадиган феъл) (пациенс)} Linda, as she was backing the car, saw Carlos' tie (Plante);
5. {(трансфер) (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл) (директив)} She leant against the Heal's sofa (Plante); She turned to Mary (Hines);
6. {(трансфер) (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл) (локатив)} He entered the waiting-room (Barnes);
7. {(трансфер) (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл) (мақсад)} She reached for her Eight Ball (Lamb);
8. {(каузатор-агенс) (юриш ҳаракатини билдирадиган феъл) (каузация)) (трансфер)} Cal was relieved, he wasn't driving his Merc (Hines);
9. {(трансфер) (субъект ҳаракатини билдирадиган феъл) (реципиент)} She was nodding at him encouragingly (Hines);
10. {(агенс) (жисмоний таъсир этишни англатувчи феъл) (пациенс)} She hugged him (Hines);
11. {(агенс) (жисмоний таъсир этишни англатувчи феъл) (локатив)} ... and he pushed at her face (Plante);
12. {(каузатор-агенс) (каузатив ва функционал ситуатив маъносини берадиган феъллар) (экзистенттив)} He turned off the engine (Vine);
13. {(агенс) (ижтимоий фаолиятни билдирувчи феъл) (боғлиқлик, одатийлик)} He worked for the company but he's a writer now (Hines);
14. {(агенс) (ижтимоий фаолиятни билдирувчи феъл) (мақсад)} I feel I have achieved my apotheosis (Banville);
15. {(экспериментер) (жисмоний фаолиятни билдирадиган феъл) (пациенс)} I had borne several children (Holt);
16. {(каузатор-агенс) (жисмоний (каузатив) фаолиятни англатадиган феъл) (экспериментер)} Dolly broke a piece of Penguin biscuit and fed the rat (Plante);

17. {(агенс) (яратувчиликни билдирадиган феъл) (натижавий)}
They built a link road over it. (Barker);
18. {(каузатор-агенс) (эмоционал (каузатив) ҳолатни билдирадиган феъл) (экспериенцер)} She had shocked him (Hill);
19. {(экспериенцер) (эмоционал ҳолатни англатувчи феъл) (каузатор)}; I had feared they might turn into small children and then to babies and so finally disappear backwards altogether (Hill);
20. {(каузатор) (эмоционал (каузатив) ҳолатни билдирадиган феъл) (экспериенцер)}
That pleased and satisfied him, that things were ordered as they should be (Hill);
21. {(экзистентив) (воқеа-ҳодисани англатувчи феъл) (пациенс)} We know what happens to Rawlins and his men. (Plante);
22. {(экзистентив) (воқеа-ҳодисани англатувчи феъл) (манба)} The call was from Fuller (Plante);
23. {(каузатор) (воқеа-ҳодисани англатувчи феъл (каузатив)) (экзистентив)} The close-down of that project raised about as much of a stir as a warning of the cancellation of a dentists' quarterly get-together in South Shields (Kingsley);
24. {(позиционер) (жойлашувни англатадиган феъл) (локатив)} Trees lined the garden... (Hill);
25. {(трансфер) (силжиш ҳаракатини англатадиган феъл) (локатив)}
The brown water lapped at his feet (Barker);
26. {(средство) (юқорига йўналган ҳаракатни билдирувчи феъл (каузатив)) (трансфер)} Her right hand raised the sledgehammer ... (Plante);
27. {(каузатор) (ўзаро муносабатни англатадиган феъл) (релятив)} As soon as we met I should know whether I still attracted him (Holt);
28. {(каузатор) (мажбурий ҳаракатни англатадиган феъл) (натижавий)} Even to think of him made my pulse race (Holt);
29. {(релятив) (ўзаро шахсий муносабатни англатадиган феъл) (пациенс)} Right now she loved them, as if they were her children (Plante).

Келтирилган мазкур моделларда субъектнинг семантик вазифаси сифатида, асосан, феъл семантикасида келиб чиққан ҳолда унинг инициаторлиги, агенслик вазифаси, трансфер, экспрессив ва бошқалар маъноларини келтириш мумкин. Шунингдек, семантик вазифадан келиб чиққан ҳолда каузатор-агенс хусусияти ҳам мавжуд.

Объектнинг семантик ўрни турлича бўлиб, улар қуйидаги семантик вазифаларни бажариши мумкинлиги аниқланди, масалан: пациенс, трансфер, реципиент, мақсад, локатив ва бошқалар.

Компонентлар бирикишида юзага келадиган акционал фреймларнинг аниқланишида маълум бир маънода қонуниятларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, контентивнинг семантик вазифаси интеллектуал ва нутқ фаолияти феъллари билан ифодаланиб, мазкур фаолият мазмуни хусусида аниқ абстракт тушунчани билдиради.

Экспериенцер хусусияти бирор ҳиссиётни ўтказган субъектга, ва шунингдек маълум бир ташқи таъсир натижасида психоэмоционал ҳолатни кечирган объект билан ҳам юзага келиши мумкин. Мазкур ҳолатларда ҳаракат каузатив эмоционал ҳолатни билдирадиган феъллар билан амалга ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

International Conference

ADVANCED METHODS OF ENSURING QUALITY OF EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS

[1]. Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика. Курс лекций по английской филологии. Изд. 2-е, стер. –Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. – 123 с.

[2]. Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты. – Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – 288 с.

[3]. Минский М. Фреймы для представления знаний. – М., Радио, 1979. – 138 с.

[4]. Lakoff G., Johnson M. *Philosophy in the Flesh*. -New York: Basic Books. 1999. - 139 p.

[5]. Levin B. *Aspect Lexicfl Semantic Rehresentation and Argumant Expression* //www. Standfort. Edu/-bclevin/bls oo.